O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING
**QARORI**

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
**РЕШЕНИЕ**
ХОКИМА ГОРОДА ТАШКЕНТА

№ 48 — 2014 yil «14» январь

**Тошкент шаҳридаги давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун 2014 йилда қўлланиладиган ижара тўловининг энг кам ставкалари ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги "Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 102-сонли қарори ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2009 йил, 15-сон, 186-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси, Молия ва Иқтисодиёт вазирликлари билан келишилган 2013 йил 27 ноябрдаги 01/14-645-сонли, 53-сонли ва Б.Ю/03-04-06/124-сонли ижара тўловининг энг кам ставкалари Тошкент шаҳар ҳокимлигининг капитал қурилиш, коммунал хўжалиги, ободонлаштириш саноат ва тадбиркорлик масалалари бўйича мажмуаси томонидан ўрганиб чиқилганлигини инобатга олиб, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборономаси, 1993й., 9-сон,320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997й 9-сон, 241-модда; 1999 й. 1-сон, 20-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й, 51-сон, 541-модда; 2005й, 52-сон, 385-модда; 2007й., 15-сон, 153-модда; 39-сон, 399-модда; 2008й., 52-сон 513-модда) 25-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳридаги давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун 2014 йилда қўлланиладиган ижара тўловининг энг кам ставкалари 1-иловага, ижара тўловини аниқлаш тартиби 2-иловага, ижара ҳақини ҳисоблашда давлат объектларига қўшимча коэффициент қўлланиладиган Тошкент шаҳрининг марказий қатнов кўчалари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. "Тошкент шаҳар давлат мулкини ижарага бериш маркази" давлат корхонаси (Р.Мусажонов):

Ижара ҳақи қийматини белгилашда 1-иловада кўрсатилган кўчмас мулк учун қўлланиладиган энг кам ставкаларидан, ижара ҳақини ҳисоблаш тартибини 2-иловага асосан ҳамда Тошкент шаҳрининг марказий қатнов кўчалари рўйхатидан 3-иловага асосан таянч сифатида фойдаланилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон қарорининг $3^1$-моддасига мувофиқ, давлат мулки бўлган бинолар ва хоналарда жойлашган бюджет ташкилотлари учун ижара тўловининг "ноль" ставкаси қўлланилиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги Қонуни 16-моддасига асосан ушбу қарорнинг 2-иловасининг 2.1-бандида келтирилган бино ва иншоотларнинг фасад қисмидан реклама воситалари учун ижара сифатида фойдаланишда Тошкент шаҳар ҳокимлиги реклама ва ахборот фаолияти бўйича комиссияси тасдиқлаган ва тавсия қилган ижтимоий рекламалар жойлаштирилган муддатга ижара тўловларидан озод этилиши назарда тутилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Давлат мулкини балансида сақловчиларнинг мансабдор шахслари уларнинг тасарруфида бўлган фойдаланилмаётган давлат мулки тўғрисидаги маълумотларни "Тошкент шаҳар давлат мулкини ижарага бериш маркази" давлат корхонасига ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли берилиши учун шахсан жавобгардирлар.

4. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот хизмати (Х.Эрматов), "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталари таҳририяти (А.Акромов): мазкур қарор расмий эълон қилинсин ва www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилиши назорати Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Рахмонов зиммасига юклансин.

Тошкент шаҳар ҳокими — Р.Усманов

Тошкент шаҳар ҳокимининг
2013 йил 14 январидаги
48 -сон қарорига
1-ИЛОВА

**Тошкент шаҳридаги давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун 2014 йилда қўлланиладиган ижара тўловининг энг кам ставкалари**

| т/р | Ижарага берилаётган майдонлардан фойдаланиш мақсади | Бир йиллик энг кам ставкаси 1 кв.м/сум |
|---|---|---|
| | Саноат | |
| 1. | Ёқилғи саноати | 2 800 |
| 2. | Кимё саноати | 2 800 |
| 3. | Нефт-кимё саноати | 2 800 |
| 4. | Машинасозлик | 2 800 |
| 5. | Станоклар ясаш ва асбобсозлик саноати | 2 800 |
| 6. | Ҳисоблаш техника воситалари саноати | 2 800 |
| 7. | Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги | 2 250 |
| 8. | Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги | 2 250 |
| 9. | Енгил ва озиқ-овқат саноати ва маиший асбоблар машинасозлиги | 2 250 |
| 10. | Санитар-техник ва газ жиҳозлари ва маҳсулотларини ишлаб чиқариш | 2 800 |
| 11. | Металл конструкцияларини ва жиҳозларини ишлаб чиқариш | 2 800 |
| 12. | Машина ва жиҳозларни таъмирлаш | 2 800 |
| 13. | Машинасозликнинг бошқа тармоқлари | 2 800 |
| | Ўрмончилик, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати | |
| 14. | Ёғоч тайёрлаш саноати | 2 800 |
| 15. | Ёғочни қайта ишлаш саноати | 2 800 |
| 16. | Целлюлоза-қоғоз саноати | 2 800 |
| 17. | Қурилиш материаллари саноати | 2 800 |
| | Енгил саноат | |
| 18. | Тўқимачилик саноати | 2 800 |
| 19. | Тикувчилик саноати | 2 800 |
| 20. | Тери, мўйна ва пойафзал саноати | 2 800 |
| 21. | Енгил саноатнинг бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари | 2 800 |
| | Озиқ-овқат саноати | |
| 22. | Озиқ-овқат таъми саноати (балиқ, гўшт, ёғ-пишлоқ ва сут саноатидан ташқари) | 2 800 |
| 23. | Гўшт ва сут саноати | 2 800 |
| 24. | Балиқчилик саноати | 2 800 |
| 25. | Ун-ёрма саноати | 2 800 |
| 26. | Комбикорм саноати | 2 250 |
| 27. | Саноатнинг бошқа тармоқлари | 2 800 |
| | Саноатнинг бошқа тармоқлари | |
| 28. | Тиббиёт асбоблари саноати | 2 800 |
| 29. | Полиграфия саноати | 9 000 |
| 30. | Кимёвий тозалаш, бўяш, кирни ва бошқа газлама маҳсулотларини ювиш ва қайта ишлаш | 6 750 |
| 31. | Саноатда хўжалик бошқаруви | 9 000 |
| | Қишлоқ хўжалик | |
| 32. | Ўсимликшунослик (жумладан иссиқхона хўжалиги) 1 га | 1 800 000 |
| 33. | Чорвачилик | 2 250 |
| 34. | Балиқ етиштириш (шу жумладан сунъий етиштириш хавзалари) 1га. | 1 800 000 |
| 35. | Ветеринария хизмати | 2 800 |

| | | |
|---|---|---|
| 36. | Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилотлар | 2 800 |
| 37. | Ўрмон хўжалиги (шу жумладан боғлар) 1 га | 1 800 0000 |
| | Транспорт ва алоқа | |
| 38. | Оммавий ер усти темир йўл транспорт воситалари | 7 300 |
| 39. | Транспорт инфраструктураси (автопарк, таксопарк, автомобиллар тўхташ жойи, гаражлар, автомобиллар ювиш шаҳобчалари) | 7 300 |
| 40. | Аҳоли буюртмасига кўра юкларни ташиш ва бошқа транспорт хизматларини кўрсатиш | 6 750 |
| 41. | Почта алоқаси | 6 150 |
| 42. | Курьер алоқаси | 7 300 |
| 43. | Симли электр алоқаси | 7 300 |
| 44. | Электро –радио – уяли ва пейжинг алоқаси | 19 150 |
| | Қурилиш | |
| 45. | Қурилиш | 5 600 |
| 46. | Лойиҳа, лойиҳа-қидирув ташкилотлари | 5 600 |
| | Савдо ва умумий овқатланиш | |
| 47. | Улгуржи савдо | 11 250 |
| 48. | Маълум миқдорда молларни сотиш (хизмат кўрсатиш) фаолиятини олиб борувчи улгуржи бозорлар | 27 000 |
| 49. | Чакана савдо | 16 850 |
| 50. | Умумий овқатланиш | 11 250 |
| 51. | Китоб дўконлари | 1 000 |
| 52. | Маданий-маиший мақсадларда ва хўжалик мақсадларида ишлатиладиган буюмларни ижарага бериш | 11 250 |
| 53. | Халқ истеъмоли моллари савдосида воситачилик | 16 850 |
| 54. | Моддий техник таъминоти ва савдоси | 12 350 |
| 55. | Информацион-ҳисоблаш бўйича хизматлар кўрсатиш | 12 350 |
| 56. | Интернет ва компьютер тармоғи бўйича хизматлар кўрсатиш | 12 350 |



| | | |
|---|---|---|
| 57. | Кўчмас мулк билан операцияларни амалга ошириш | 12 350 |
| 58. | Реклама, вакиллик хизматлари | 11 250 |
| 59. | Аудиторлик фаолияти | 11 250 |
| 60. | Маркетинг тадқиқот, тижорат, молия ва бошқарув масалалари бўйича маслаҳат хизматлари | 11 250 |
| 61. | Ер ости геологияси ва қидирув ишлари, геодезия ва гидрометереология хизмати | 16 850 |
| 62. | Таҳририят ва нашриётлар | 6 200 |
| 63. | Металлолом ва иккиламчи хом ашёни йиғиш ва тайёрлаш | 6 200 |
| 64. | Уй-жой хўжалиги (ХУЖМШ объектлари) | 6 200 |
| 65. | Меҳмонхона хўжалиги | 12 350 |
| 66. | Аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари | 6 750 |
| 67. | Сартарошхона, суратхона, модалар ательеси, пойафзал тузатиш | 9 000 |
| 68. | Ломбардлар | 13 500 |
| 69. | Ҳаммомлар | 19 150 |
| 70. | Сауна ва бассейнлар | 39 400 |
| | Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот | |
| 71. | Соғлиқни сақлаш | 9 000 |
| 72. | Дам олиш ва туризм | 9 000 |
| 73. | Маданий кўнгил очар марказлар (билярдхона, ўйин автоматлари, дискотекалар ва шу кабилар) | 12 350 |
| 74. | Жисмоний тарбия ва спорт | 3 900 |
| 75. | Дорихона муассасалари, оптика ва тиббиёт жиҳозлари савдо дўконлари | 9 000 |
| | Таълим | |
| 76. | Юқори ва ўрта таълим бўйича кадрларни тайёрлаш (шу жумладан ўкув курслари) | 7 850 |
| 77. | Ишчи ва бошқа хизматчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш | 6 750 |

| | | |
|---|---|---|
| 78. | Умумтаълим болалар мактаби (нодавлат таълим муассасалари учун) | 3 350 |
| 79. | Таълим ўқув муассасаларида умумий овқатланишни ташкиллаштириш | 4 300 |
| 80. | Мактабгача тарбия (нодавлат таълим муассасалари учун) | 3 350 |
| 81. | Маданият ва санъат | 15 750 |
| 82. | Кўргазмалар | 9 000 |
| 83. | Маданий ва дам олиш боғлари | 7 850 |
| 84. | Ботаника ва хайвонот боғлари | 7 850 |
| 85. | Телевидения ва радио узатиш редакциялари | 7 850 |
| 86. | Киностудиялар ва овоз ёзиш студиялари | 28 150 |
| 87. | Илм-фан ва илм-фан хизматлари | 5 600 |
| | Молия-кредит фаолияти | |
| 88. | Молия, кредит (суғурталаш ва аудиторлик фаолиятидан ташқари) нафақа таъминоти | 11 250 |
| 89. | Банк фаолияти | 16 850 |
| | Фойдаланишнинг бошқа мақсадлари | |
| 90. | Суғурталаш | 11 250 |
| 91. | Суд ва ҳуқуқий хизматлар | 7 850 |
| 92. | Адвокатлар коллегияси ва ҳуқуқий маслаҳатхоналари | 7 850 |
| 93. | Жамоат бирлашмалари идораси | 2 800 |
| 94. | Омборхоналар | 11 250 |
| 95. | Давлат ташкилотлари учун офис | 5 600 |
| 96. | Хусусий ташкилотлар учун офис | 19 150 |
| 97. | Автомобилларга ёқилғи қуйиш шаҳобчалари | 11 250 |
| 98. | Енгил автомобиллар ва бошқа транспорт воситаларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш (шу жумладан вулканизациялар) | 11 250 |
| 99. | Ер ва тупроқ хусусиятлари тадқиқот лабараториялари | 5 600 |
| 100 | Турли хизматлар учун ҳақ олиш (paynet) | 28 150 |
| 101 | Маданий мерос бино ва иншоотларида чакана савдо | 18 000 |



| | | |
|---|---|---|
| 102 | Маданий мерос бино ва иншоотларида умумий овқатланиш | 13 500 |
| 103 | Авиакассалар ( шу жумладан темир йўл, транспорт ва бошқа) | 18 000 |
| 104 | Банкоматлар | 169 000 |
| 105 | Нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш | 11 250 |

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги "Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 102-сон қарори $3^1$-моддасига мувофиқ, давлат мулки бўлган бинолар ва хоналарда жойлашган бюджет ташкилотлари учун ижара тўловининг "ноль" ставкаси қўлланилиши белгиланганлиги,

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 22 ноябрдаги 07/10-41-сонли баённомаси 11-бандига асосан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилиги, Савдо бошқармасининг таркибий бўлинмаларига ёпиқ харбий шаҳарчалар, муассасалари харбий қисмларидаги давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг "ноль" ставкалари қўлланилиши,

***Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг 2013 йил 12 июндаги 02/02-1-74-сонли топшириғига асосан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги спорт зали Ўзбекистон Республикаси Баскетбол федерациясининг ёзма мурожаатини инобатга олиб, ижарага берилишида давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг "ноль" ставкалари қўлланилиши,

****Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 2 августдаги 02/107-118-сонли топшириғига асосан, "Адолат" социал демократик партияси балансидаги Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, "Шарқ тонги" кўчаси, 23-уй манзилидаги бинода жойлаштирилган "Адолат" социал демократик партиясининг Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти Кенгашлари ҳамда "Адолат" ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти учун 2013 йилнинг 15 июлидан бошлаб давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара ҳақининг "ноль" ставкаси қўлланилиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

*****Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 январдаги 02/121-28-сонли топшириғига асосан, Тошкент шахар ҳокимининг қарорига асосан ташкил этилган "Технопарклар" худудидаги хокимиятлар балансидаги давлат мулки бўлган бино ва иншоотлардан ишлаб чиқариш билан боғлиқ фаолиятларни ташкил этиш мақсадида фойдаланганлик учун ижара хақининг минимал ставкаси (тегишли коэффициентларни қўлламаган ҳолда) белгилансин.

Тошкент шаҳар ҳокимининг
2013 йил 14 январдаги
48 -сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ижара тўловини аниқлаш тартиби**

Ижара ҳақи ставкаларига қўлланиладиган оширувчи коэффициентлар:

1.Тошкент шаҳар ҳокимининг 2014 йил 13 январдаги "Ер солиғи тўлаш ставкаси бўйича зона чегараларининг схемаси ва таърифларини тасдиқлаш ҳақида"ги 41-сонли қарорида белгиланган чегараларга асосан, ҳудудий зоналар коэффициенти-Кз.

1-зона -4.11
2-зона – 3.31
3-зона – 2.51
4-зона - 1.71
5-зона – 1.0

2. Бинонинг жойлашуви ва қурилиш турига кўра қўлланиладиган коэффициентлар:

Бинонинг қурилиш тури бўйича коэффициент (Кқ):

алоҳида турган бино - 1.0

бинонинг қисмида жойлашган ва қўшимча қурилган - 0.8

ярим ертўла, ертўла - 0.6

чердак, болахона - 0.5

реклама воситалари учун бино ва иншоотнинг фасад қисми - 0.2

Туташган ҳудудидан фойдаланиш коэффициенти (Кҳ):

ер майдони мавжуд бўлганда - 0.3

Тижорат мақсадида фойдаланишда қулайлик коэффициенти (Кт):

метро станциясидан 200 метр радиус атрофида - 0.8

марказий қатнов кўчаларида жойлашган бино-иншоотлар учун - 0.7

иккинчи даражали қатнов кўчаларида жойлашгани- 0.6

Бинолар ва иншоотлар бўйича ижара тўловини (ижара тўловининг таянч ставкаси) ҳисоблаб чиқиш қуйидаги тарзда аниқланади:

Тс = Эс х Кз х (Кқ + Кҳ + Ко) бунда:

Тс-бир йилга 1 кв.м учун ижара тўловининг таянч ставкаси;

Эс- бир йилга 1 кв.м. учун ижарага берилаётган майдондан фойдаланиш мақсадига кўра энг кам ставка.

Балансида давлат мулкини сақловчи корхона, ташкилот ва муассаса балансидаги бино-иншоотни яхшилаш, талаб даражасида сақланиши билан бир қаторда корхона моддий-техника базасини ривожлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон қарори билан тасдиқланган "Давлат мулкини ижарага бериш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 5 ва 10-бандлари талабларидан келиб чиқиб, ижара ҳақи белгиланишида энг кам ставкалари томонлар таклифига асосан оширилиши мумкин.

Тошкент шаҳар ҳокимининг
2012 йил 14 январдаги
48 -сон қарорига
3-ИЛОВА

**Тошкент шаҳридаги марказий қатнов кўчалари рўйхати**

Абдулла Қодирий кўчаси
А.Хўжаев кўчаси
Абдурауф Фитрат кўчаси
Амир Темур шоҳ кўчаси
Асака кўчаси
Афросиёб кўчаси
Аҳмад Дониш кўчаси
Аэропорт ҳудуди
Беруний кўчаси
Бешқайрағоч кўчаси
Бобур кўчаси
Боғишамол кўчаси
Бодомзор йўли кўчаси
Бунёдкор шоҳ кўчаси
Бухоро кўчаси
Буюк ипак йўли кўчаси
Буюк Турон кўчаси
Гавҳар кўчаси
Ифтихор кўчаси
Дархон кўчаси
Зарафшон кўчаси
Заргарлик кўчаси
Зарқайнар кўчаси
Зулфияхоним кўчаси
Зиё кўчаси
Истиқбол кўчаси
Истиқлол кучаси
Қатортол кўчаси
Кичик халқа йўли кўчаси
Қорасарой кўчаси
Қорасув кўчаси
Катта Хирмонтепа кўчаси
Локомотив кўчаси
Лутфий кўчаси
Маннон Уйғур кўчаси
Мирзо Улуғбек кўчаси
Мухаммад Юсуф кўчаси
Матбуотчилар кўчаси
Олмазор кўчаси
Янги Юнусобод кўчаси
Қумариқ кўчаси
Миробод кўчаси
Мукумий кўчаси
Янгишаҳар кўчаси
Мустақиллик майдони
Мустақиллик шоҳ кўчаси
Мухтор Ашрафий кўчаси
Навоий кўчаси
Назарбек кўчаси
Нукус кўчаси
Ойбек кўчаси
Оққўрғон кўчаси
Оқтепа майдони
Осиё кўчаси
Паркент кўчаси
Себзор кўчаси
Сағбон кўчаси
Самарқанд Дарвоза кўчаси
Содиқ Азимов кўчаси
Бешёғоч кўчаси
Талабалар кўчаси
Тараққиёт кўчаси
Тарас Шевченко кўчаси
Темур Малик кўчаси
Туркистон кўчаси
Уста Ширин кўчаси
Ўзбекистон шоҳ кўчаси
Фарғона йўли кўчаси
Фаробий кўчаси
Фарҳод кўчаси
Фурқат кўчаси
Хуршид кўчаси
А.Чехов кўчаси
Чилонзор кучаси
Чоштепа кўчаси
Чўпонота кўчаси
Рашидов кўчаси
Шайхонтоҳур кўчаси
Шимолий Олмазор кўчаси
Шўртепа кўчаси
Шастри кўчаси
Шаҳрисабз кўчаси
Шота Руставели кўчаси
Юнус Ражабий кўчаси
Янги Сергели кўчаси
Яҳё Ғуломов кўчаси